

НАМУНАВИЙ ХУДУДИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИГА МЕТОДИК ЁРДАМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси республикамиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари учун методик марказ ҳисобланади. Ахборот-кутубхона муассасаларига методик ёрдам бериш мақсадида соҳа бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқилиб ҳудудларга тарқатилмоқда. Бундан ташқари семинар ва конференциялар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

2015 йилда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ахборот-ресурс марказларининг фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Жорий йилда эса, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасалари ишини ўрганиш ҳамда методик ёрдам бериш вазифаси белгиланди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2014 йил 6 январдаги 20-сонли баёнининг 2-бандида, ҳар бир вилоятда замонавий ахборот технологиялари, тегишли дастурий таъминот, илмий ва оммабоп электрон ахборот ресурсларини жорий қилган ҳолда намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасасини яратиш вазифаси белгиланди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари негизда Намунавий ҳудудий ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сонли баёни, Республика методик кенгашининг 2016 йил 27 январдаги 25-сонли баёни топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича Миллий кутубхонанинг бир гуруҳ мутахассислари 16–18 март кунлари Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида хизмат сафарига бўлишди.

Хизмат сафаридан кўзланган мақсад намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасалари ишини яқиндан ўрганиш, методик ёрдам бериш, мутахассислар билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бухоро давлат университети Ахборот-ре-

сурс марказининг фойдаланувчиларга кўрсатилаётган хизмати сифат даражаси, ахборот-кутубхона фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиниши ва электрон ресурслар билан таъминланганлик даражаси ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижалари ва мутахассисларга методик ёрдам кўрсатиш бўйича вилоятдаги олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари мутахассислари учун семинар машғулоти ташкил этилди.

Семинарда Ахборот-кутубхона фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, Давлат библиографиясини юритиш, Электрон ресурсларнинг ахборот-кутубхона фаолиятига оид стандартга мувофиқ тавсифи, «UZMARC» каталоглаштириш миллий формати асосида библиографик ёзувларни шакллантириш, Ахборот-кутубхона муассасаларида ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича батафсил маълумотлар берилди.

Хизмат сафарининг иккинчи кунинда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари учун ҳам семинар ташкил этилди.

Семинар якунида иштирокчиларнинг саволларига жавоб берилиб, ахборот-кутубхона фаолияти бўйича ишларни яхши йўлга қўйиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, ахборот-кутубхона муассасалари учун меъёрий ҳужжатлар ҳамда ахборот-ресурс марказларининг фондиди тўлдириш учун электрон ресурслар тақдим этилди. ■

2015 йилда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ахборот-ресурс марказларининг фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди

